



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ ЛОЙИХАСИНИ КИРИТИШ ҲАҚИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашнинг самарали тизими яратилди.

Мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилди ва бу муносабат 2008 йилда қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига» (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»-ги Қонунда ўз аксини топди.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»-ги, «Электрон ҳуқуқ тўғрисида»-ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодий эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат хараидларини механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартиб-таомилга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қартилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек халқаро ҳамкорлик мустақамлаб кўйилмоқда.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини тузиш ва унинг таркибига тадбиркорлар жамоат бирлашмаларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, қонуннинг амалга киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратиш, хусусий мўлк ҳуқуқига гайриқонуний таъвозуларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашадиган ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 14 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING X ҚУРУЛТОЙИ

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ва унинг Сайловолди дастури тасдиқланди



14 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий партия ташкилотлари томонидан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, партия фаоллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВнинг Ўзбекистон ХДП X қурултойидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли
қурултой иштирокчилари!

Барчамизга маълумки, истиқлолимизнинг ўтган 25 йили давомида мамлакатимизда мисли қўрилмаган ютуқларга эришилди. Хусусан, замонавий ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодийни вужудга келтириш, барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун, деган шордан келиб чиққан ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, юртимизда фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлиқни мустақамлаш, мамлакатимиз, халқимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, оқилона ташкил сиёсат олиб бориш орқали халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш борасидаги оламшумул натижалар бунинг ёрқин исботидир.

Она юртимиз Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришига асос бўлаётган бундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз навбатида жамиятимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партияларни ривожлантиришга ҳам сезиларли ижобий таъсирини кўрсатди.

Конституция ва унинг негизда яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларининг самарали фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг давлат бўшқарувида фаол иштирок этишини таъминлади. Айниқса, истиқлол йилларида қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни янада мустақамланганлиги уларнинг жамият ҳаётига таъсир кучини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Шунга мувофиқ равишда мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуктаи назари, позициялари мустақамлашмоқда, уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этмоқда. Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этишга интиломоқда.

Таъкидлаш лозимки, буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг ўз мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириши, электорат

манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиши учун мустақам замин яратди.

Партиямиз ҳам ана шундай шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, асосий эътиборни авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига қаратмоқда.

Жумладан, партиямизнинг IX қурултойидан кейинги қисқа вақт ичида электорат манфаатларига дахлдор бўлган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 нафар депутатдан иборат Ўзбекистон ХДП фракцияси тузилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашида 214 нафар, туман ва шаҳар Кенгашида 1649 нафар депутатдан иборат жами 178 партиямиз гуруҳлари қонунчиликка мувофиқ ташкил этилди.

Утган вақт мобайнидаги энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларимиздан бири сифатида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилиниб, ижрога йўналтирилганлигини айтишимиз мумкин.

Унда партиямиз Сайловолди дастуридаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қартилган қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиб, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда қабул қилинган мақсадли дастурларнинг ижроси юзасидан депутатлик ва парламент назоратини олиб бориш бўйича маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларни электоратимиз манфаатларини нуктаи назардан такомиллаштиришда фаол иштирок этди.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан 2015 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси тўғрисида ҳамда мазкур Дастурнинг 2016 йилнинг биринчи ярмидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг ахбороти юзасидан парламент эшитувлари ўтказилганлиги эса энг муҳим амалий натижа бўлди.

Ушбу эшитувлар якуни бўйича Қонунчилик палатасининг Дастурининг

ҳудудлар ва тармоқлар кесимида сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу йўналишда депутатлар корпуслари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначилиқни ривожлантириш рағбатлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш, келгуси йиллар учун мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш механизмларини янада такомиллаштиришга қартилган тегишли қарорлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ҳаракат дастури доирасида 2015 йил ва 2016 йилнинг 9 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари томонидан 138 масала оссосияларда, 200 масала доимий комиссия йиғилишларида, 321 масала партиямиз гуруҳларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, жойларда мафкуравий, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти йўналишларидаги бир қатор ижтимоий лойиҳалар доирасида мақсадли тадбирлар ҳамда партиянинг бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ташаббуслари изчил амалга оширилмоқда.

Ҳурматли қурултой
катнашчилари!

Маълумки, сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий воқеадир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэтироф этилган меъёларга мувофиқ тарзда сайлов тизими шакллантирилди.

Энг муҳими, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг факат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар эса — сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан қўрсатилиши тўғрисидаги принципал қоида мустақамланди.

Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод «Ўзбекистон Республикаси Президенти Сайлов тўғрисида»-ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, факатгина сиёсий партиялар томонидан қўрсатилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов тизимига, жумладан, Президент сайловида тағбиқ этилган бундай ўзгаришлар 2015 йил март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

сайловида тўла маънода ўзини оқлади. Бундан ташқари, мамлакатларидан ташриф буюрган хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам эътироф этганлигини барчамиз яхши эслаймиз. Энг муҳими, унда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир марта намоян этди.

Азиз юртдошлар!

Барчамизга маълумки, 2016 йилнинг 9 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни 2016 йил 4 декабрь куни, деб белгиланди.

Шу кунларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётда муҳим воқеа ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида жиддий тайёргарлик қўрилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бугунги қурултойимизда мазкур сиёсий жараёнда партиямизнинг муносиб иштирокини таъминлаш, партия номзодини қўрсатиш масалаларида сизлар билан фикрлашиб, долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Авалло, шунга қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли дамларда бўлиб ўтмоқда.

Партиямиз Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишнинг кўзлаб сайлов жараёнида фаол иштирок этишини муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун барча партия ташкилотлари мазкур сайлов жараёнида юксак масъулиятни ҳис этиб ҳаракат қилиши, сайловчиларнинг демократик онгу тафаккурини ошириш, фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш масалаларида астойдил ҳаракат қилиши зарур.

Олдинги сайловларда тўплаган тажрибамиздан маълумки, сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаол иштироки таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу мақсадда 14 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

► Давоми 3-бетда.

ХУКУМАТ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижадорлигини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроекономика қўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгариш ва модернизациялашни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларини бажариш, жорий йилда фойдаланишга топширилган энг муҳим объектларни ишга туширишни сўзсиз таъминлаш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳар томонлама қўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора сезиллашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислохотларини амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижадорлиги Ўзбекистонда макроекономика мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда.

Жорий йил 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар қўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида дефицит билан оқиб кетди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Замин захматқашларининг фидокорона меҳнати ва миришкорлиги тўғрисида, мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бой ҳосили етиштирилди ва йиғиштирилди олинди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш йўналиши давом эттирилди. Ўтган 9 ойда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоизга ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоизга оширилди. Янги қишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қўлай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, соғлиқни сақлаш ти-

версификациялаш ва модернизациялаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш шартлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгилаб берилган тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш зарурлигига қаратилди. Вазирликлар ва идоралар, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш бўйича қабул қилинган ва шахсий маъсулияти белгилаб берилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, маҳаллий хомашё ва материалларни чуқур қайта ишлаш ҳамда кимё, чарм-поябзал, фармацевтика, қурилиш индустрияси ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар самарадорлиги чуқур ва батафсил таҳлил қилинди.

Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгариш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг — 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар — 11,2 фоизга ўсиши таъминлагани қайд этилди.

Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хомашё ва материалларни, энг аввало, Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди.

Бир қатор вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, бир қатор вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича 15 та ўрта муддатли дастурлар лойиҳаларини тайёрлашни тугаллаш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилди. Булар

қаторида сув, электр таъминоти, аҳолига транспорт хизматини қўрсатишни яхшилаш, маҳаллий автомобиль йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мактаб-гача таълим муассасалари ва бозорларни модернизациялаш, кам таъминланган ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш, аёллар, болалар ва пенсионерларга тиббий хизмат қўрсатишни яхшилаш дастурлари ишлаб чиқилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш прогноз қўрсаткичларига эришиш юзасидан ишларнинг натижадорлигини пухта таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбексизқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзгазроэкспорт» акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни қўзда тутган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзбеккумир» акциядорлик жамияти, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондлари, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ишларни ёқилиш-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, «Ўзбексизқовқатзаҳира» уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда гамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асосий кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш-баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплексли, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ Х ҚУРУЛТОЙИ

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД

ва унинг Сайловолди дастури
тасдиқланди



Санжар ШОҒУЛАҒАНОВ олган суратлар.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрсатилган номзод ҳамда унинг Сайловолди дастурини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифаларини белгилаб олиш, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Уставига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар апрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол иштирокини таъминлаш тўғрисида маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, демократик сайлов тизими, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида оид мустақам ҳуқуқий асослар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қабатгина сиёсий партиялар томонидан қўрсатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI пленумида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан тақлиф қилинган — ЎХДП Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хотамжон Абдураҳмонов Кетмонов номзоди тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловолди дастури тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Президент сайловида фаол иштирокини таъминлаш, партиядан қўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастури ҳамда унинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритишди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Уставига қўшимчалар мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов Қурултой ва унда қабул қилинган қарорлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Партия ташкилотларининг мазкур сайлов жараёнида юксак масъулиятни ҳис этиб, ҳаракат қилиши, сайловчиларнинг демократик онгу тафаккурини ошириш, фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида тузилган штаблар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайлов участкаларида иштирок этадиган кузатувчиларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, билим ва кўникмаларини ҳар томонлама ошириш, ишончли вакилларнинг ўз ваколатларини тўлақонли амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиш, сайловолди ташвиқоти самарали олиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Қурултой кун тартибидagi масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Халилла Ешимбетов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Навоий шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Навоий вилоят Кенгашидаги ЎХДП гуруҳи аъзоси Муҳаббат Темирова, Амударё туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Олимбой Халимов, Андижон вилоят партия кенгаши раиси Абдулхамид Нурматов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Умрбек Бектемиров, Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Дилбархон Мамажонов ва бошқалар партиянинг Президент сайловида фаол иштирокини таъминлаш, партиядан қўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастури ҳамда унинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритишди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Уставига қўшимчалар мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов Қурултой ва унда қабул қилинган қарорлар ҳақида батафсил маълумот берди.

ЎХДП Марказий Кенгаши
Матбуот хизмати.

ЎЗА

Давомий. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
X ҚУРУЛТОЙИ■ Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида долзарб
ижтимоий-иқтисодий масалалар илгари сурилмоқда.ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДАЎзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВнинг Ўзбекистон ХДП X қурултойидаги маърузаси

Кузатувчиларга юкланаётган вази-
фаларни ҳисобга олсак, аввало эъти-
борни уларни ҳуқуқий жиҳатдан тай-
ёрлаш, билим ва кўникмаларини ҳар
томонлама оширишга қаратиш зарур
бўлади.

Маълумки, «Ўзбекистон Республи-
каси Президенти сайлови тўғрисида-
ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ,
Ўзбекистон Республикаси Президент-
лигига номзод 15 нафарга қадар
ишончли вакиллarga эга бўлишга
ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзод-
га сайлов кампаниясини ўтказишда
ёрдам берадилар, тарғибот-ташвиқот
ишларини олиб борадилар. Давлат ва
жамоат ташкилотлари сайлов комис-
сиялари билан бўладиган муносабат-
ларда номзоднинг маффаатини ҳимоя
қиладилар. Шундай экан, ишончли
вакиллари белгилашда партиямиз-
нинг энг салоҳиятли, обрў-этиборга
эга ва фаол аъзоларини танлашимиз
ҳамда уларнинг ўз ваколатларини
тўлақонли амалга оширишлари учун
барча зарур шарт-шароитларни яра-
тиб беришимиз лозим.

Шунингдек, қонунчилигимизда
сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига ном-
зодлар Марказий сайлов комиссия-
си томонидан рўйхатга олинган кун-
дан эътиборан бошланиши белгилаб
қўйилган.

Маълумки, бунда Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентлигига номзод-
ларга, сиёсий партияларга Ўзбеки-
стон Республикаси Марказий сайлов
комиссияси томонидан белгиланади-
ган тартибда оммавий ахборот воси-
таларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ
беради. Шунингдек, сайловчилар
билан йиғилишларда ҳамда сайлов-
чилар учун қўлай бўлган бошқа шакл-
да "ўрчишулар ўтказишда тенглик
таъминланади.

Бу жараёнда партиянинг барча да-
ражадаги ташкилотлари сайловчилар
билан ўтказиладиган учрашуларнинг
мазмун-моҳияти ва жозибадорлиги-
ни оширишга хизмат қилувчи тарғи-
бот воситаларидан самарали фойда-
ланишлари талаб этилади. Шу ўрин-
да партиянинг сайловолди чакирчи ва
шиорлари, номзоднинг реклама ва
роликлари ҳамда бошқа тарқатма ма-
териалларнинг савияси ва сифати
алоҳида эътибор қаратиш лозим.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Уз-
бекистана» газеталари, шунингдек,
Қорақалпоғистон Республикаси кен-
гашининг «Қарақалпоқистон ҳаёси»,
Наманган вилоят кенгашининг «Халқ
иродаси», Сурхондарё вилоят кен-
гашининг «Халқ йўли» газеталарида
партиядан кўрсатилган номзод сай-
ловолди дастурининг асосий йўна-
лишларини ёритиб берувчи матери-
аллар чоп этиб бориш, партия веб-
сайти ва бошқа сайтларда партиядан
кўрсатилган номзод сайловолди да-
стурининг асосий йўналишларини ифо-
да этувчи материалларни joyлашти-
риб бориш зарур бўлади. Республи-
камиздаги бошқа ОАВ билан ҳам са-
марали ҳамкорликни йўлга қўйиш
мақсадга мувофиқдир.

Партиямизнинг марказий органла-
ри ва маҳаллий ташкилотларимиз
сайловолди ташвиқоти жараёндари-
да, биринчи навбатда, Ўзбекистон
ХДП дастурий максдаларини элек-
торат орасида янада изчил ва чуқур тар-
ғиб қилишга эътибор бермоғи лозим.
Тегишли тарғибот материалларида
партия гоғлари яққол ва таъсирчан
акс этиши зарур.

Шунингдек, партия ташкилотлари-
миз Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентлигига номзодга сайловчилар бил-
ан учрашувлар ўтказишни ташкил
этишда, зарур маълумот ва ахборот
материаллари олишда давлат орган-
лари, жамоат бирлашмалари, корхона,
муассасалар, ташкилотлар, фуқа-
роларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари билан амалий ҳамкорлик
қилиши ниятда муҳим масалалар.

Ҳурматли партиядошлар!

Олдимизда сайлов жараёндари билан
боғлиқ шундай жиҳидий вази-
фалар турар экан, бунда албатта
партиянинг барча даражадаги таш-
килотлари, Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракциямиз, маҳаллий
Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари
ўз имкониятларидан самарали фой-
даланиши керак бўлади.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатасидаги фракциямиз аъзо-
лари мустақиллик йилларида Ўзе-
кистонда сайлов ҳуқуқи эркинчилигини
таъминлаш ва сайлов қонунчилигини
ривожлантириш, жумладан, Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти

сайлови тизимини такомиллаштириш,
бунда айниқса, сиёсий партияларнинг
ўрни ва ролини кучайтириш бораси-
да амалга оширилган ишларни аҳоли-
нинг кенг қатламлари орасида тушун-
тириш масаласига эътибор қаратиш-
лари лозим.

Партиямизнинг минтакавий кен-
гашлари олдида Ўзбекистон ХДП сай-
лов Штаблари ва Ўзбекистон Прези-
дентлигига номзоднинг ишончли ва-
киллари, кузатувчилар фаолиятини
самарали ташкил этиш, сайловолди
ташвиқоти билан боғлиқ энг муҳим
масалалар туради.

Сайлов кампанияси даврида
партия туман ва шаҳар кенгашлари
аҳоли билан иш олиб борад экан,
электротизимиз вакилларида фаол фу-
қаролик позициясини мустаҳкамлаш,
сайлов ҳуқуқини тушуниб, ундан эр-
кин ва масъулият билан фойдаланиш-
га интилишини кучайтириш асосий
этиборда бўлиши керак.

Бу йўналишдаги ишларда партия
туман ва шаҳар кенгашларининг ма-
ҳаллий Кенгашлардаги депутатлари-
миз билан ҳамкорлигини янада куч-
айтириш талаб этилади. Сайлов жа-
раёндарининг барча тадбирлари, ай-
ниқса, тарғибот-ташвиқот ишларига
маҳаллий Кенгашлар депутатларини
кенг жалб этиш ниятда муҳим ма-
саладир.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозим-
ки, Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри партия
Кенгашлари бошланғич партия таш-
килотларини ташкилий жиҳатдан мус-
таҳкамлаш, партия дастурий вазифа-
ларини амалга ошириш ва аҳоли ора-
сида ижтимоий-сиёсий ишларни юри-
тишдаги роли ва аҳамиятини кучай-
тиришга қаратилган қатор ишлари-
миз сайлов жараёндарида ўз нати-
жасини кўрсатиши лозим.

Чунки партиянинг бошланғич таш-
килотлари аҳолининг кенг қатламла-
рига энг яқин бўлибди. Шу боисдан
ҳам улар олдида аҳоли ижтимоий гу-
руҳлари орасида партиянинг салоҳи-
ятли тарафдорларини аниқлаш, улар-
нинг сиёсий саводхонлиги ва ҳуқуқий
маданияти даражасини ошириш, иж-
тимоий, сиёсий ва фуқаролик ташаб-
бусларини ривожлантириш борасида
аниқ вазибалар қўйилади.

Бу жараёнда электротизимнинг
ёш вакиллари, айниқса, Ўзбекистон
Республикаси Президенти сайлови-
да биринчи марта овоз берадиган
ёшларга алоҳида эътибор қаратиш
зарур бўлади. Шунингдек, хотин-қиз-
лар, хусусан, оилада фарзанд тарбия-
си билан банд бўлган аёлларнинг
электротал фаоллигини ошириш му-
ҳим аҳамият касб этади. Бу масала-
лар Ўзбекистон ХДПнинг «Истикбол»
ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари
етакичилари, фаолларининг диққат
марказида туриши керак.

Қисқача айтганда, сайлов кампа-
нияси даврида Ўзбекистон ХДПнинг
барча ташкилотларининг фаолияти
сайлов жараёнининг ҳар бир босқи-
чида қонунийликка амал қилган ҳолда
фаоллик кўрсатиш ҳамда электротизим-
нинг сайлов кампаниясида фаол
иштирок этишини таъминлашга қара-
тилиши лозим бўлади.

**Ҳурматли қурултой
иштирокчилари!**

Барчамизга маълумки, «Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти сай-
лови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ,
Ўзбекистон Республикаси Президент-
лигига номзодга ўзининг келгузи фао-
лият дастури билан чиқиш ҳуқуқи бе-
рилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таъ-
кидлашимиз лозимки, партиямиз но-
мидан Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига кўрсатиладиган
номзоднинг дастури Ўзбекистон Халқ
демократик партиясининг дастурий
мақсадларига асосланади. Унинг ус-
туворликлари жамиятнинг барча аъзо-
лари учун ҳар томонлама ривожла-
ниш ва ишончли ижтимоий қанолат-
ларни таъминлашга йўналтирилган.

Биз учун асосий устувор йўналиш,
авваламбор, аҳолининг давлат ва жа-
мият томонидан қўллаб-қувватлашга
эҳтиёжманд қатламлари манфаатла-
рини ҳимоя қилишга қаратилган куч-
ли ижтимоий сиёсатни юритишдан
иборатдир.

Бу меҳнатга лаёқатли кишиларнинг
муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринла-
рига эга бўлишини, фуқароларнинг
шахсий ташаббускорлиги ва ишти-
лармонлиги қўллаб-қувватланиши ва
рағбатлантирилишини, ёшларга,
уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан
қатъи назар, касб танлаш, таълим
олиш ва ўқув муассасаларини бити-
риш, албатта, иш ўрнига эга бўлишлари

учун адолатли, тенг ва ижтимоий жи-
ҳатдан мақбул шарт-шароитлар яра-
тилишини, пенсионерлар, ногирон-
лар, ота-она қарамоғидан маҳрум
бўлган болалар ва аҳолининг меҳнат-
га лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳ-
лари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қон-
дирилишини қанолатловчи пенсия
таъминоти ва ижтимоий нафақалар-
нинг самарали тизими шакллантири-
лиши билан боғлиқ масалаларни қам-
раб олади.

**Биз, ўз олдимизга қўйган бун-
дай максдалларни самарали амал-
га ошириш ва уларга эришиш учун
қуйидаги йўналишларни устувор,
деб ҳисоблаймиз.**

**Биринчидан, аҳоли бандлиги-
ни таъминлаш тизимини доимий
такомиллаштириб бориш зарур.**
Хусусан, меҳнат бозоридида талаб-
таклифни тўлиқ ҳисобга олиш, ҳудуд-
лари ижтимоий-иқтисодий ривожла-
ниш дастурларини тузишда ҳудуднинг
жорий ва истикболдаги ривожланиш
йўналишларини аниқлаштириш, касб-
хунар коллежлари йўналишларини
белгилашда ташкил этилаётган кор-
хона ва тадбиркорлик субъектлари-
нинг кадрларга бўлган эҳтиёжини
ҳисобга олиш лозим.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқти-
содий дастурларни амалга ошириш
давомида барқарор иш ўринларини
яратиш кўрсаткичлари мазкур дастур-
ларнинг муҳим мезонларидан бири
бўлишига эришиш керак.

Ушбу мақсадда авваламбор, му-
носиб иш ҳақи тўланадиган барқарор
иш ўринларини тақлиф этиётган кор-
хоналарда, хусусан, юқори техноло-
гик тармок корхоналари, хизмат
кўрсатиш ва сервис соҳасида меҳ-
натга лаёқатли аҳоли бандлигини таъ-
минлаш бўйича саъй-ҳаракатларни
фоаллаштириш лозим.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим
масала — меҳнатга лаёқатли аҳолини
иш билан таъминлаш, бир марталик
вақтинча иш билан банд бўлган шахс-
лар меҳнат фаолиятининг қонуний
асосларини такомиллаштиришдир.

Яна бир муҳим масала, касб-хунар
коллежи битирувчиларга, уларнинг
мустақил бандлигини таъминлаш
ҳамда яқин тартибдаги меҳнат ва тад-
биркорлик фаолиятини рағбатланти-
риш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш,
истикболли ишлаб чиқаришни ривож-
лантириш бўйича инвестиция дастур-
ларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта
маҳсул, касб-хунар ва олий маълумот-
ли мутахассисларни тайёрлаш дастур-
лари ҳамда ҳудудий бандлик дастур-
лари боғлиқлигини таъминлашдир.
Шунингдек, муносиб иш ҳақи ва меҳ-
нат шaroитига эга бўлган қўшимча
барқарор иш ўринлари яратётган тад-
биркорлик субъектларини рағбатлан-
тириш мақсадида солиққа тортиш тиз-
имини мақбуллаштириш, бунда ай-
ниқса кичик бизнес, қасаначилик ва
оилавий тадбиркорлиқни янада ривож-
лантириш орқали хотин-қизлар банд-
лигини таъминлаш масалаларига ҳам
эътибор қаратиш талаб этилади.

Шу билан бирга, жамиятнинг бар-
ча қатламларига эркин ва тенг таъ-
лим олиш имкониятларини яратиш
мақсадида минтакалардаги демогра-
фик ўзгаришларни ҳисобга олган
ҳолда, мактабга, ўрта, ўрта махсус,
касб-хунар ва олий таълим муассас-
аларини олдидан барпо этиш ама-
лиётини янада ривожлантириш ҳам
давр талаби ҳисобланади.

**Иккинчидан, иқтисодий сиёсат-
даги асосий устуворлигимиз, бу —
давлатимизнинг иқтисодий-молия-
вий кудратини оширишни кучли иж-
тимоий сиёсат билан уйғунлаштириш
орқали аҳолининг, хусусан, унинг
эҳтиёжманд қатламларининг турмуш
даражасини янада яхшилашга йўнал-
тиришдан иборатдир.**

Бунинг учун аввало, замонавий
техника ва технологиялардан фойда-
ланиш асосида ҳўжалик юритувчи
субъектлар томонидан ишлаб чиқа-
рилаётган товарлар ва хизматлар си-
фатини ошириш, таннарихини пасай-
тириш, шунингдек, уларнинг экспорт
имкониятларини кенгайтириш ва
аҳолининг харид қобилиятини оши-
ришга хизмат қилувчи рақобат муҳи-
тини шакллантириш масалаларига
эътиборни кучайтириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,
бугунги кунда иқтисодиётнинг жадал ри-
вожланишини таъминлаш, янги иш
ўринлари яратишнинг муҳим омили
бўлган қурилиш соҳасини модерниз-
ация қилишга етарли даражада эътибор
берилмапти. Қурилиш ташкилотлари-
нинг кенг ривожланиши, бу соҳада за-
мон талабига жавоб берадиган мута-
хассислар, техник воситалари билан
таъминланиши талаб даражасида эмас.

Қурилиш соҳасидаги қонунчилик
базисининг, қурилиш нормалари ва
стандартларининг такомиллашмагани
оқибатида, бугунги кунда қурилиш
технологиялари жаҳон стандартлари
даражасидан орқада қолиб кетмоқ-
да.

Хорижий давлатларнинг қурилиш
ташкilotлари бугунги кунда пудрат
хизматлари экспорти билан жадал
шугулланиб, ўз давлатига валюта ту-
шумини ошираётган бир пайтда, мил-
лий қурилиш ташкilotлари бундай
имкониятга эга эмас ва бундай та-
лабларга жавоб ҳам бермайди.

Шунинг учун биз ўз сайловолди
дастуриимизда ушбу масалаларга ало-
ҳида тўхталиб, қатор тақлифларни ил-
гари сурдик. Бизнингча, қурилиш таш-
кilotларининг моддий-техник таъми-
нотини яхшилаш, янги технологиялар-
ни жорий қилиш, малакали мутахас-
сисларни ёллашга имконият ярату-
ви шaroитлар яратиш мақсадида
солиқ юқини камайтириш; солиқ ту-
зум давридан буён фойдаланиб ке-
линаётган, эскирган қурилиш стан-
дартлари, норма ва қондалари ўрни-
га бутун дунёда амал қилиб келина-
ётган еврокодлар тизимига ўтиш ло-
зим.

Қурилиш соҳаси ривожланиши ис-
тиқболларига мувофиқ етарли дара-
жада малакали мутахассисларни тай-
ёрлаш масаласига эътибор қаратиш,
уларни хорижий давлатларга малака
оширишга юбориш бу соҳадаги даст-
лабки вазибалардан бўлмоғи лозим.
Мазкур ислохотлар, авваламбор, янги
инновацион технологияларни ва ма-
териалларни қўллаш, қурилиш хизма-
ти бозорларида мамлакатимиз мута-
хассисларнинг рақобатбардошлигини
таъминлаш билан бирга, ўзбек
компанияларининг хорижий қурилиш
ва хизмат бозорларига чиқишларига
шaroит яратади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда
фаолият юритаётган кичик корхоналар-
нинг йириклашшини рағбатлантирув-
чи солиқ сиёсатини юритиш, корхона-
ларнинг таснифида «ўрта корхона» ту-
шунчасини киритиш лозим. Чунки
қонунчилигимизда белгиланган кичик
ва йирик корхоналар томонидан унди-
риладиган солиқлар тизимининг тақ-
лили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг
ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва дав-
лат бюджетини шакллантиришдаги иш-
тироки катта фарқ қилади. Жумладан,
йирик корхоналар томонидан ялпи ички
маҳсулотнинг 44 фоизи ишлаб чиқи-
либ, улардан 89,8 фоиз солиқ ва тўлов-
лар ундирилган бўлса, кичик бизнес-
нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши
56,1 фоизни ташкил этиб, солиқ ва
тўловлари 10,2 фоизни ташкил этмоқ-
да. Кичик корхоналар томонидан ишчи-
ларга тўланадиган иш ҳақлари ҳам йи-
рик корхоналар тўлаётганидан 2 бара-
варгача пастдир. Ҳозирги солиқлар ва
имтёзлар тизими кичик корхоналарнинг
йириклашшига ҳалақат қилмоқда.

Мазкур масалаларни тартибга со-
лишда давлат ва соҳага оид қонун-
чилик базисини такомиллаштириш,
хусусан, кичик корхоналар йирикла-
ниш жараёнида катта солиқ оқлама-
сига тушиб қолишининг олдини олиш
мақсадида «ўрта корхона» тушунча-
сини киритиш, янги йирик, ўрта ва
кичик корхоналар мезонларини бел-
гилаш; кичик корхоналарнинг йирик-
лашиши ва янада ривожланишига
хизмат қиладиган солиқ ва имтёз-
лар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Ўз ўрнида турли хил имтёзларни
бериш йўллари орқали иш берувчи
ва ходим ўртасидаги норасмий меҳ-
нат муносабатларини қонун доираси-
га киритиш, меҳнат муҳофазаси
қоидаларини бузганлик учун эса тад-
биркорларнинг маъсулиятини ва жа-
вобгарлигини ошириш ва давлат то-
монидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳам
эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Мазкур тақлифлар шак-шубҳасиз,
кичик корхоналар йириклашшига, янги
иш ўринлари яратишга, мамлакатимиз
ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб
келади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, тижорат банкларининг
инвестициявий лойиҳаларни молия-
лаштиришдаги иштирокини янада кен-
гайтириш, ҳўжалик юритувчи субъект-
ларни кредитлаш тизимини соддалаш-
тириш, макротиқисодий вазиятдан ке-
либ чиқиб, фоиз ставкаларини мини-
мал даражада белгилаш, муаммоли
қарзлар юзага келишига йўл қўймас-
лик ва банк хизматлари сифатини ях-
шилаш орқали уларнинг инвестиция-
вий фаолигини кучайтириш ҳам иқти-
содий ислохотларнинг самарадорли-
гини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, истикболли
корхоналар ва ишлаб чиқариш
комплексларининг ривожланиши учун

бўш меҳнат ресурсларини жалб
қилиш иқтисодий ўсишнинг қўшимча
омилига айланишига олиб келади.
Бунинг учун маҳаллий хомашё ва ма-
териалларни қайта ишлаш корхона-
ларининг ички ва ташқи бозорда ра-
қобатбардош, юқори қўшимча қиймат-
га эга истёмолат товарларини ишлаб
чиқаришини иқтисодий ва молиявий
рағбатлантириш ва имтёзли кредит-
лаш самарадорлигини ошириш, мам-
лакатда етиштирилаётган қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларини қайта иш-
лашни ривожлантириш мақсадида
қишлоқ жойларида ушбу йўналишда-
ги оилавий тадбиркорлик ва қасана-
чиликни рағбатлантиришни кучайти-
риш масалаларига эътибор қаратиш
зарур бўлади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўнал-
тирилганлигини таъминлаш, аҳоли-
нинг қўнчилиги манфаатлари йўлида
кучли ижтимоий сиёсатни амалга
оширишда давлатнинг тартибга со-
лувчанлик ролини мустаҳкамлаш, маз-
кур устуворликка амал қилган ҳолда,
етақчи ижтимоий соҳаларнинг тижор-
атлашувини чеклаш, жамият барча
аъзоларининг ишончли ижтимоий қа-
фолатлари таъминланиши масалала-
рида бизнес масъулиятини ошириш
бугунги куннинг талабидир.

**Учинчидан, кам таъминланган
оилаларни манзилли ижтимоий
ҳимоялаш сиёсатини изчил давом
этитриш лозим.**

Бунда, ижтимоий қўллаб-қувват-
лаш тизимини аҳолининг эҳтиёжманд
қатламлари ўртасида боқимандалик
кайфиятини бартараф этишга қара-
тиш, уларнинг ташаббускорлигини
рағбатлантириш, меҳнат ва тадбир-
корлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш
ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам-
ни асосан, кам таъминланган оила-
лар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ке-
ксалар ва болаларга йўналтириш ни-
хоятда муҳим масалалар.

Яна бир муҳим масала, бугунги
кунда партиямиз электротизининг асо-
сий қатламини ташкил этувчи жис-
моний имконияти чекланган, турли
сабабларга кўра ногирон бўлиб қол-
ган фуқароларимизнинг ижтимоий
ҳаётга киришишлари учун барча ша-
роитларни яратиш масаласидир.

Бугунги кунда ижтимоий объект-
ларда, барча иншоотларда ногирон-
лар учун махсус кириш йўллари — пан-
дуслар бўлиши даркор. Янги қурила-
ётган объектларни лойиҳалаш ишла-
ри, шунингдек қуриб битказилган
объектларни фойдаланишга топши-
риш жараёнида Ногиронлар уюшма-
си иштироки қонунчиликда мустаҳкам-
лаб қўйилган бўлса-да, мазкур нор-
малар амалиётда ишламапти. Аксар-
ият биналарда ногиронлар учун пан-
дуслар умуман йўқ, мавжуд бўлганлар
иштироки ақсариятдан фойдаланишнинг
имкони йўқ. Йўналган йўлакчалари
ҳам ногиронлар учун мосланмаган.

Мазкур масалаларни бартараф
этиш мақсадида қатор чораларни амал-
га ошириш, хусусан, мавжуд барча
бино ва иншоотларни, айниқса давлат
идораларини ногиронлар кира олиш-
лари нукта назаридан хатловдан ўтқа-
зиш ва йўлакчаларни ногиронларга
мослаш бўйича махсус давлат дасту-
рини қабул қилиш даркор, деб ҳисоб-
лаймиз.

Шунингдек, маҳалланинг аҳолини
ижтимоий ҳимоя қилишдаги ролини
янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга
молик товарлар ва хизматлар нархини
белгилаш устидан давлат ва жамоат-
чилик назоратини қулайтириш орқали
нархлар ва тарифларнинг ўсиши ин-
фляция даражасидан юқори бўлмас-
лига эришиш, коммунал хизматлар-
нинг камқар шакллари кенгайтириш
зарур.

Хусусан, тармок муҳандислик ин-
фратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган
коммунал хизматлар кўрсатишнинг ар-
зон автоном (локал) шакллари рив-
ожлантириш орқали аҳолига кўрсати-
ладиган хизматлар нархини мақбул-
лаштириш шулар жумласидан.

**Тўртинчидан, аҳолига юқори си-
фатли ва мақбул тиббий ёрдамдан
фенг фойдаланиш имкониятини
ҳамда обод турмуш тарзини таъ-
минлаш масаласи ҳам бизнинг диқ-
қат марказимиздадир.**

Мазкур соҳада аҳоли, айниқса,
олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи
тиббий ёрдамдан қўлай ва тез фой-
даланиш имкониятини таъминловчи
қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини
кенгайтириш, фармацевтика корхона-
лари ва дорихона муассасалари фао-
лияти ҳамда дори-дармон воситалари
нархи устидан давлат ва жамоатчилик
назоратини қулайтириш, дори воси-
талари рекламасини чеклаш масала-
ларини тақлиф этмоқдамиз.

Мамлакатимизда автотранспорт
воситаларининг кўпайиб бораётган-
лиги натижасида йўллар, катта ша-
ҳарларнинг кўчалари тирбанд бўлиб
бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.
Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг
мақбул йўли пйедалар йўлакчаларини
капитал таъмирлаш; экологик тоза,
соғлом турмуш тарзига замин яра-
тувчи велойўлакчалари қуриш ва теги-
шли инфратузилмани яратишдан
иборат, деб ҳисоблаймиз.

</



РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Руслан Нурудинов
2017 йилги спорт
мавсумида
қатнашмайди



Оғир атлетика бўйича Рио — 2016 Олимпиадаси голиби, Олимпия ўйинлари рекордчиси Руслан Нурудинов 2017 йилги спорт мавсумида ҳеч қандай мусобақада иштирок этмайди.

Бу ҳақда olamsport.com сайтига терма жамоа бош мураббийи, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Баҳром Абдумаликов хабар берди.

— Руслан учун бу йилги мавсум анча мураккаб кечди, — деди у. — Кичик жароҳати бўлишига қарамай, Рио Олимпиадасига тайёргарлик кўрди ва якунда Ўзбекистон оғир атлетикаси тарихидаги энг юқори натижани қайд этди.

Энди у давланиши, дам олиши керак. Руслан 2017 йилги мусобақаларда иштирок этмайди. Унинг мақсади 2018 йилда ўтказилган Осиё ўйинларига муносиб тарзда тайёргарлик кўришдир.

Водий
йўналишида
яна бир поезд
қатнови



«Ўзтемирйўлўловчи» АЖ йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент-Андижон-Тошкент йўналиши бўйича янги 62/61 сонли тезюрар поезднинг ҳар куни ҳаракатланишини расмий сайтида эълон қилди.

Хабар қилинишича, поезд Тошкентдан соат 16:30 да жўнайди ва Андижонга соат 22:30да етиб боради. Андижондан соат 06:00 да йўлга тушади ва Тошкентга соат 12:10да етиб келади.

Шу сабабли 18 октябрдан Андижон-Бухоро-Андижон йўналишидаги 392/391 сонли поезднинг, шунингдек, Тошкент-Андижон-Тошкент йўналишидаги 92/91 сонли поезднинг ҳаракатланиш жадвалига ўзгаришлар киритилди.

ЭРТАНГИ КҮН
БИЗНИКИ,
МАРРА БИЗНИКИ!

ЁШ ЎЗБЕК СОЗАНДАСИ ҳаммани мафтун этди

Мустақил
ривожланиш
йиллари
мобайнида
мамлакатимизда
ўсиб келаётган
ёш авлод
вакилларига илм-
фан ва санъат
билан яқиндан
ошно бўлишлари,
уларнинг
республика ва
халқаро
миқёсидаги
танловлар,
олимпиада ва
мусобақалардаги
иштирокини
рағбатлантириш,
ижодий ва
интеллектуал
салоҳиятини
намоён этишлари
учун барча зарур
шароитлар
яратилди.



Буларнинг натижасида Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшлари хорижий мамлакатлардаги нуфузли танловларда фаол иштирок этиб, Ватанимиз шухрати-
га шухрат қўшишмоқда.

Изабилла Тошкенбоев Италиядаги XIII «Читта ди Пезаро» халқаро мусиқа танловидаги «Миллий куйлар» тоифасида, «Му-
сика учун Ди Фердинандо» ва Витторини Ливи номидаги халқаро танловларнинг бош мукофотларини қўлга киритган мусиқа

оламидаги ана шундай «митти юлдуз»лардан бири ҳисобланади.

У Джоаккино Россини номидаги Халқаро мусиқа фестивалида ўзбек миллий мусиқа асбоби — чангда «Севиллик сартарош» операсидаги мусиқали муқаддимани ҳамда ўзбек ва жаҳон мумтоз санъати асарларини юксак маҳорат билан ижро этгани боис улкан муваффақият ва эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистоннинг ёш иқтидорли фарзанди мамлакатимиз-

дан биринчи бўлиб «Келажак мусиқчиси» тоифасида мусиқа оламидаги энг юксак мукофотлардан бири — «Чинни қалб» совринини қўлга киритди.

Кенг миқёсда эътироф қозонини И.Тошкенбоевга Ватиканнинг машҳур Авлиё Пётр майдонида Италиянинг Rai телерадио компанияси томонидан ташкил қилинган Халқлар ўртасида санъат ва мусиқа воситасидаги дўстлик фестивалида жаҳоннинг юз минглаб томошабинлари

қаршисида ўз маҳоратини намоён этиш имконини берди. Ёш созанда чанг асбобида мусиқани зўр маҳорат билан ижро этгани боис, Рим Папаси Франциск I ўз таассуротини изҳор этгани ҳолда ўзбек мусиқачиси билан шахсан танишди. У мамлакатимиз вакили тақдим этган ўзбек дўстлигини эсдалик совға сифатида олди.

«Жаҳон» АА,
Рим.

СПОРТ

13 октябрь кuni Бахрайнда футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида Осиё чемпионати финал босқичи бошланди. Унда китамизнинг ўн олти терма жамоаси келаси йили Жанубий Кореяда бўладиган жаҳон чемпионатида бериладиган тўртта йўлланма учун кураш олиб боришапти.

Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун

Мазкур нуфузли мусобақада қуръага кўра, иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашапти. Жасур Абдураимов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «D» гуруҳида Тожикистон, Австралия ва Хитой футболчилари билан баҳс юритишади.

Таквимга мувофиқ, ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни бугун кўшилишимиз — Тожикистон вакилларига қарши ўтказди. Ёшларимиз 18 октябрда Австралия, 21 октябрда эса Хитой терма жамоалари билан ўйнайди.

Осиё чемпионатининг бошқа гуруҳлари куйидагича қўрилиш олган:

«A» гуруҳи: Бахрайн, Таиланд, Жанубий Корея, Саудия Арабистони.

«B» гуруҳи: КХДР, Бирлашган Араб Амириклар, Ироқ, Вьетнам.

«C» гуруҳи: Катар, Япония, Яман, Эрон. Дастлабки кун «A» гуруҳида икки учрашув бўлиб ўтди: Таиланд — Жанубий Корея — 1:3, Бахрайн — Саудия Арабистони — 3:2.

Кеча эса «B» ҳамда «C» гуруҳи жамоалари майдонга тушдилар: КХДР — Вьетнам, Япония — Яман, Бирлашган Араб Амириклар — Ироқ, Катар — Эрон.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа «плей-офф» босқичига йўлланма олади. Агар гуруҳ босқичида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақият қозонса, 1/4 финалда «C» гуруҳи вакилига қарши майдонга чиқади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«ИПОТЕКА-БАНК» САРМОЯЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Аҳоли бандлигини таъминлашда хусусий секторнинг улуши ортиб борапти. Бу жараёнда «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жорий йилнинг 1 октябрга қадар қарийб 828,8 миллиард сўм кредитлар йўналтирилган. Бунинг самараси ўлароқ кўплаб истикболли лойиҳалар рўйга чиқди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга тушди. Энг муҳими, 7 минг 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда бошланғич сармоя ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Ипотека-банк»

жамоаси юртдошларимизнинг истикболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида ана шу мақсадлар учун 203,8 миллиард сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошиб бормоқда. Шунинг билан бирга, банк томонидан тадбиркор аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 95,8 миллиард сўм микдорида

кредит берилди, шу асосда 500 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 12,6 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида касб-хунар коллежлари битирувчилари ўз ишини бошлаш учун 21,4 миллиард сўмдан ортиқ сармоя берилди.

Фуркат ХАБИБОВ,
«Бухоро Шамс савдо-ойна» хусусий корхонаси раҳбари (Бухоро вилояти):

— Корхонамизда ойналарга ишлов берилади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида жорий йил августидан «Ипотека-банк»дан олган 2 миллиард сўмлик кредит хисобига замонавий технологиялар-

ни олиб келдик. Хомашё базасини янада мустаҳкамлаб олдик. Шунга яраша иш ҳажми ошиб, 20 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштирдик. Яратилган шарт-шароитлар, имтиёزلардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш, ҳажмини ошириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Муҳими, бизнес-режамиз пухта бўлса бас, банк мададидан кўнглимиз тўқ.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тикувчилик, каштачилик, оилавий касаначилик изчил йўлга қўйилмоқда. Хунарли аёлларимиз ўз меҳнати билан ҳам оиласига, ҳам жамиятга наф келтирмоқда.

Гавҳар МАТНАЗАРОВА,
«Файз хусусий» корхонаси (Хоразм вилояти):

— Тикувчиликни йўлга қўйиш мақсадида «Ипотека-банк»нинг Хоразм вилоят филиалидан 50 миллион сўм сармоя олдик. Молиявий қўмақдан унумли фойдаланиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. 6 нафар коллеж битирувчиси жамоамизда меҳнат қилишмоқда. Банк кредити ишимизга барака келтирди, ҳозир ойига 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз.

Бугун корхонамизда замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган ёшларнинг гайрат-шижоати ва салоҳияти юксак марраларга ундайди. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги йўналишларда ҳам иш олиб бормоқчимиз.



Юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳам тараққий этиб бораёттир. Ҳозирга келиб, мамлакатимиз саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган мазкур соҳадаги корхоналар ривожланиб бормоқда. Қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, иншоотлар қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилапти.

Шоҳрух Хўжабеков,
«Ferradu biznes group» МЧЖ раҳбари (Тошкент шаҳри):

— Корхонамизда пронасти ва турли хил елим маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп вақт бўлмаган бўлсада, ишларимиз анча изга тушган. Бунда «Ипотека-банк» Юнусобод филиалининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Банк ходимлари бизнес-режамизни ўрганиб, тегишли

тавсияларни беришди. Лойиҳамиз Хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш ислоҳот корпорациясининг кредит линияси доирасида молиялаштирилди. 358 минг АҚШ доллари микдоридаги маблағ хисобига корхонамизни замона талаблари даражасида жиҳоз-жойлар, иншоотлар қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилапти.

Хозир маҳсулотларимизнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тоза хомашёлардан фойдаланиш лойиҳаси устида иш олиб бораёламиз. Яқин ҳамкоримиз — «Ипотека-банк»нинг молиявий қўмағида маҳсулотларимиз турини кўпайтириш, сифатини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишни кўзлаганимиз.

Шаҳноза РЎЗИЕВА
тайёрлади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059

8798

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:30

Topshirilgan vaqt — 00:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7772010763006

1 2 3 4 5